



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

№4/2

2024



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 4/2-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир**

**ўринбосари:**

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

**Масъул котиб:**

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

**Муҳаррирлар:**

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров

PhD, доцент И.М.Пардаева

А.Х.Мингбоев

**Техник муҳаррир:**

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

**Корректор:**

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

**Саҳифаловчи:**

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба  
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида  
тарқатилади.**

**Тахририят манзили:**

140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,  
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53  
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

**Тахририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис  
институти ректори, и.ф.д., профессор

**Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва  
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

**Тахрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,  
профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – и.ф.д., профессор.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

**М.Р.Болтабаев** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**А.Бектемиров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ профессори в.б., иқтисод  
фанлари доктори

**Л.Н.Халикова** – СамИСИ профессори, DSc

**Ф.А.Сафаров** – СамИСИ доценти, DSc

**А.М.Каримова** – СамИСИ профессори в.б., DSc

## МУНДАРИЖА:

<b>НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ</b>	
<b>Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Мурод Мухаммедович Мухаммедов</b> Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишлари	5
<b>Sanjarbek Komiljon o‘g‘li Boyjigitov</b> Don va un mahsulotlari bozorida iste‘molchi xulq-atvori mezonlarini qo‘llash imkoniyatlari	11
<b>Шавкат Собирович Олтаев</b> Рақамли иқтисодиёт шароитида аҳоли турмуш даражасининг иқтисодий мазмуни ва уни ўлчаш кўрсаткичлари	14
<b>Shirinboy Bo‘ron o‘g‘li O‘razaliyev</b> Funksiya hosilasining iqtisodiyotdagi o‘rni	17
<b>ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ</b>	
<b>Сарвар Аюбовна Исхакова</b> Развитие сферы услуг в условиях цифровой трансформации национальной экономики	20
<b>Шехроза Маджитовна Каримова</b> Инновации в сфере услуг общественного питания	25
<b>Рахима Жамshedовна Курбанова</b> Хизмат кўрсатиш корхоналарини рақамли иқтисодиётга ўтказишни татбиқ этиш модели	28
<b>Зарина Муродовна Мухаммедова</b> Хизматлар соҳасида инвестицион ресурсларни инновацияларга йўналтириш механизмлари	34
<b>Eldor Anvarovich Nozimov</b> Xizmat ko‘rsatishda elektron tijoratni samaradorligini oshirish	39
<b>Shohista Baxriddin qizi Turdiyeva</b> Elektron savdo va uning o‘ziga xos jihatlari	42
<b>САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Жунайдилло Садиевич Файзиев</b> Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш – иқтисодий ривожланиш гаровидир	45
<b>Ғайрат Яхшибаевич Пардаев, Акрам Джуракулович Ғафуров, Рузбой Нормаматов</b> Грек ёнғоғи мевасининг истеъмол қиймати ва ёнғоқ етиштиришда кўрсатиладиган хизматларнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш	50
<b>Shohruh Zafar o‘g‘li Jalilov</b> Bog‘dorchilik tarmog‘ida investitsion faoliyatining nazariy asoslari	53
<b>Muslimaxon G‘ayratjon qizi Sotvoldiyeva</b> Ekologik va iqtisodiy barqarorlikni ta‘minlashda suv resurslarining ahamiyati va boshqaruvi	57
<b>МЕХНАТ, БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ</b>	
<b>Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Озода Мамаюнусовна Пардаева, Мирзо Улугбекович Болтабоев</b> Меҳнат бозори трансформациясида “юмшоқ” кўникмалар ва ижтимоий ҳимоянинг аҳамияти	62

2. Гулямов С.С. va boshqalar. Raqamli iqtisodiyotda blokcheyn texnologiyalari. T.: Iqtisod Molia , 2019. 396 b.

3. Грибанов Ю.И. Методология развития экономики, промышленности и сферы услуг в условиях цифровизации: коллективная монография / Ю.И. Грибанов, под ред. А.В. Бабкина. СПб.: Политех-Пресс, 2018. С. 48-90.

4. Грибанов Ю.И. Основные модели создания отраслевых цифровых платформ / Ю.И. Грибанов // Вопросы инновационной экономики. - 2018. - Том 8. № 2. - С.223-234. – 1,1 п.л.

5. Лapidус Л.В. Цифровая экономика: управление электронным бизнесом и электронной коммерцией. –М.: ИНФРА-М, 2017. -281 с.

6. Скруг В.С. Трансформация промышленности в цифровой экономике: проблемы и перспективы // Креативная экономика. – 2018. – Том 12. – № 7. – С. 943-952. doi: 10.18334/ce.12.7.39208

7. Курбанов Ж.М., Курбанова Р.Ж.Хизматлар кўрсатиш корхоналари электрон техникаси.-Тошкент:Ношир нашриёти,2019. -168 б.

<b>Р.Курбанова</b>	<b>R.Kurbanova</b>
<b>Модель реализации перехода предприятий сферы услуг на цифровую экономику</b>	<b>A model for implementing the transition of service sector enterprises to the digital economy</b>
<p><b>Аннотация.</b> В статье излагаются организационные механизмы поэтапной технологии реализации модели перевода предприятий сферы услуг на цифровую экономику.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> модель, цифровая платформа, организационный механизм, технико-технологическое состояние, конкурентная, виртуальная, инфраструктура, электронная платформа предприятия.</p>	<p><b>Abstract.</b> The article shows the organizational mechanisms of step-by-step technology for implementing the model of transferring service sector enterprises to the digital economy.</p> <p><b>Keywords:</b> model, digital platform, organizational mechanism, technical-technological state, competitive, virtual, infrastructure, enterprise electronic platform.</p>

**Зарина Муродовна Мухаммедова – СамИСИ докторанти**

### ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДА ИНВЕСТИЦИОН РЕСУРСЛАРНИ ИННОВАЦИЯЛАРГА ЙЎНАЛТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

<p><b>Аннотация:</b> мақолада иқтисодий тарққийнинг инновацион моделига ўтказиш, шу асосда хизмат кўрсатиш соҳасига инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этишни рағбатлантириш тизимини яратиш лозимлиги ёритилган.</p> <p><b>Калит сўзлар:</b> хизматлар соҳаси, инвестицион ресурслар, инновациялар, механизм, иқтисодий механизм, иқтисодий элемент.</p>
---

**Кириш.** Жаҳон хўжалигининг илғор тажрибаси шундан далолат берадики, ривожланишнинг инновацион моделлари ва “ақлли” технологияларни амалга ошираётган мамлакатлар миллий иқтисодиёти жадал суръатлар билан юксалиб бормоқда. Мутахассисларнинг фикрига кўра, бундай мамлакатларнинг барқарор тараққиёти, уларнинг жаҳон бозорларида рақобатбардошлиги табиий ресурсларни экспорт қилиш ёки жисмоний меҳнатдан фойдаланишга эмас, балки инновацион ғоялар ва ишланмалардан унумли фойдаланишга асосланади.<sup>1</sup>

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев “Иқтисодийта янги натижа ва ютуқларга, миллий рақобатбардошликни оширишга эришиш учун инновацияларни кенг миқёсда жорий этиш зарур. Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий стратегияси 2030 йилга қадар глобал инновацион

<sup>1</sup> Джалилов Ф.А. Хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион фаолият ривожланишига услубий ёндашув // Иқтисод ва молия. 2022. 5 (153), 58-бет.

индекс рейтингида дунёнинг 50 етакчи давлати қаторига кириш ва бу улкан мақсадга эришишда инсон капитални ривожлантиришни назарда тутати”, – деб таъкидлаган.<sup>1</sup> Шунинг учун ҳам бугунги кунда, иқтисодий инновацион ривожлантириш йўлига ўтказиш муаммоларини тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Иқтисодий адабиётларда<sup>2</sup> “механизм” тушунчасининг моҳияти тўлақонли ёритилмаган, унда фақат унинг элементлари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги келтирилган. Шунинг учун биз, даставвал, “механизм” тушунчасининг моҳиятига аниқлик киритишни лозим деб топдик.

Россиянинг фалсафий энциклопедиясида “механизм” тушунчасига куйидагича таъриф берилган: “Бу – табиат қонунлари билан белгиланган ҳаракат ёки ҳодисалар тизими бўлиб, восита ёки қурилмалар ёрдамида ушбу тизимни ҳаракатга келтиради”.<sup>3</sup> Ушбу ёндашув, бир томондан, механизмнинг функционал таркибини, яъни ҳодиса ва ҳаракатларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлайди, иккинчи томондан, структуравий мазмунини белгилайди, чунки ушбу қурилма ўзаро ҳаракатни боғлиқлик ёрдамида амалга оширади.

Ф.Гегель ўзининг илмий қарашларида, механизм тушунчасини ёритишга ҳаракат қилиб, унинг моҳиятини шундай тушунтиради: “Механизм – жуда кўп элементлардан ташкил топган бўлиб, уни агрегат сифатида кўриб чиқиш мумкин”. Шунингдек, у “Механизм нисбатан мустақил структуравий элементлар тўпламидан, улар орасидаги функционал ва омилли боғланишлардан ташкил топган агрегат шаклида ўрнатилади”, деб таъкидлайди.<sup>4</sup> Лекин, бизнинг назаримизда, ушбу қарашлар механизмнинг моҳиятини тўлалигича ёритиб бера олмайди.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот жараёнида тизимли ёндашув, абстракт-мантиқий таҳлил, омилли таҳлил, индукция ва дедукция усулларида самарали фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Ўзбекистон инновацион ва интеллектуал салоҳияти юқори замонавий ва глобал бозорда рақобатбардош сервис тизимида, шунингдек, қулай инвестицион муҳитга эга мамлакат. Шу сабабли уни жадал ривожланаётган мамлакатга айлантириш лозим. Ушбу мақсадга эришиш учун, иқтисодий таракқиётнинг инновацион моделига ўтказиш, шу асосда иқтисодийнинг устувор соҳа ва тармоқлари, жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасига инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этишни рағбатлантириш тизимини яратиш лозим.

Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасида хизмат турларининг кўпайиши натижасида қўлга киритилаётган ютуқлар, соҳада мавжуд имкониятлардан ва инновациялардан кенг фойдаланишни талаб этмоқда. Инновациялар эса, ўз навбатида, соҳанинг барча қорхоналарида, фаолият самарадорлигини оширишга имконият яратади. Шу билан биргаликда, истеъмолчилар дидларининг ўзгариши ва индивидуал хизмат турларига талабнинг кучайиши хизмат кўрсатиш қорхоналарида янги ғояларни ва инновацион лойиҳаларни амалиётга жорий қилишларига олиб келади.

Биз олиб бораётган тадқиқотда, иқтисодий механизм элементларининг таркибини куйидаги чизмада келтирдик (1-расм).

Хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион ресурсларни инновацияларга йўналтириш механизми таркибида иқтисодий механизмнинг энг муҳим элементи, инвестицион капитални инновацияларга йўналтириш элементи ҳисобланади.

Ҳар бир хизмат кўрсатиш қорхонаси, янги хизматларни яратиш ва мавжудларини модернизация қилиш, бозорни рақобатбардош товар ва хизматлар билан тўлдириш учун янги техника ва технологияларни ўзлаштириши, даромад олиши ва пировард натижада жамиятни ривожлантиришнинг ижтимоий мақсадларини амалга

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021. – Б. 134.

<sup>2</sup> Шодмонов Ш.Ш., Мухаммедов М.М., Камилова Н.А. Экономическая теория: Учебник. – Т.: “Иқтисод-Молия”, 2021. Б. 163-164.; Ўлмасов А., Вахобов А. Иқтисодий назарияси. Дарслик. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2014. Б. 228. Йўлдошев М., Маматқулов Ш., Йўлдошев Ф. Иқтисодий назарияси. – Т.: “Илм Зиё”, 2016. Б. 187-188.

<sup>3</sup> Губский Е.Ф. Философский энциклопедический словарь. – М: ИНФРА-М, 1997. – С. 267.

<sup>4</sup> Гегель Ф. Наука логики / Г.В.Ф.Гегель – М: Изд-во «Мысль», 1998. – С. 802-804.

ошириш учун маблағлар оқимига муҳтож. Бундай маблағлар пул ресурслари, банк депозитлари ва кредитлари, техника-технологиялар, машина ва асбоб-ускуналар, мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлар, лицензиялар, патентлар ва интеллектуал капиталдан ташкил топган. Пул шаклида баҳоланган ушбу маблағларнинг барчаси инвестицияларнинг асосий мазмунини ташкил қилади.



**1-расм. Инвестицион ресурсларни инновацияларга йўналтириш механизмининг иқтисодий элементлари<sup>1</sup>**

Замонавий иқтисодиётнинг асосини инсоннинг интеллектуал фаолияти маҳсулини иқтисодий муомалага жалб қилишдир. Инсоннинг асосий эҳтиёжларини қондириш учун талаб қилинадиган маҳсулотларнинг оддий алмашинуви узоқ ўтмишдаги босқичдир. Бугунги кунда дунёнинг барча давлатларининг иқтисодий институтлари фаолияти инсоннинг инновацион маҳсулот ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини излаш ва шакллантиришга қаратилган бўлиб, уларни жиддий тадқиқот ишларисиз ишлаб чиқишнинг иложи йўқ.

Хизмат кўрсатиш корхоналарида инвестицион капитал фаолиятининг натижаси бозорнинг янги маҳсулот ва технологияларга бўлган эҳтиёжларини қондиришдир, бу эса нафақат соҳасининг, балки бутун иқтисодиётнинг изчил ривожланишига ёрдам беради. Бирок, инновацион лойиҳа натижасида бозорда янги маҳсулотнинг пайдо бўлиши бошқа турдаги эҳтиёжларни келтириб чиқаради. Бу эса, инвестицион капиталнинг фаолияти нафақат жамият ва соҳанинг янги маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга, балки янги эҳтиёжларни яратишга ҳам қаратилганлигини таъкидлаш лозим. Ушбу жараён инвестицион фаолиятнинг икки томонлама хусусиятида намоён бўлади. Бир томондан, инвестор учун бу маълум миқдордаги ресурсларнинг узоқ муддатли инвестицияси, иккинчи томондан эса, пудратчилар ва инвестиция объектининг ўзи учун бу доимий ишлаб чиқариш жараёнидир.

Хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион ресурсларни инновацияларга йўналтиришнинг иқтисодий механизми таркибида бозор элементи асосий ўринни эгаллайди. Бизнингча, корхоналарнинг бозорда барқарор фаолият кўрсатиши ва рақобатбардошликни таъминлаши учун, инновацияларни фаол жалб этиши шарт. Бугунги кунда Хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган

<sup>1</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

хизматларнинг рақобатбардошлиги бевосита инновацион ишланмалар ва уларга нисбатан қўлланиладиган рағбатлантириш усуллариининг самарадорлиги даражасига боғлиқ.<sup>1</sup>

Хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион ресурсларни инновацияларга йўналтиришнинг иқтисодий механизм таркибидаги яна бир муҳим элементи сифатида халқаро кредитларини келтиришимиз мумкин. Халқаро банклар, кредит уюшмалари ва молия институтларининг кредитлари соҳаларни молиялаштиришнинг энг муҳим манбаи ҳисобланади. Халқаро кредит молия институтлари томонидан халқаро ташкилотларга аъзо мамлакатлар миллий иқтисодиётини барқарорлигини ошириш жумладан, давлат лойиҳаларини кредитлаш, илмий тадқиқотларни молиялаштириш мақсадида ажратилади. Халқаро кредит иқтисодиёт соҳа ва тармоқларини молиялаштириш бўйича тижорат банклариининг кредитларига қараганда бир қанча афзалликларига эга. Масалан, муддатига кўра, фоиз ставкаси ва бошқа имтиёзларни келтириш мумкин. Тижорат банклари томонидан корхоналарга бериладиган кредитларни фоиз ставкаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан юқори туради. Ўзбекистонда Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси 14 фоизни ташкил этмоқда.<sup>2</sup> Ушбу кўрсаткични иқтисодиёти ривожланган мамлакатлари билан таққослаганда 9-10 фоизга ортиқ эканлигини кўриш мумкин. Халқаро молия институтлари томонидан ажратилаётган халқаро кредитларнинг фоиз ставкаси тижорат банклариининг фоиз ставкасидан 7-8 фоизга паст. Ҳозирда у 7-8 фоизни ташкил этмоқда.<sup>3</sup> Шу сабабли бизлар хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион ресурсларни инновацияларга йўналтиришнинг иқтисодий механизм элементи халқаро кредитни киритдик.

Инновацион потенциални ошириш, инновацияларга инвестицион ресурсларни йўналтириш механизми сифатида давлат-хусусий шерикчилиги (ДХШ)ни ҳам иқтисодий механизмнинг етакчи элементларининг бири сифатида келтиришимиз мумкин. Иқтисодиётнинг ҳар бир соҳаси каби, хизматлар соҳасида ҳам кенг кўламли модернизация лойиҳаларини амалга ошириш талаб этилади. Ушбу лойиҳалар молиялаштириш манбаи асосан хусусий сектор ҳисобидан амалга оширилади. Лекин шундай бўлишига қарамай, бугунги кунда, инновацион-инвестицион лойиҳаларни давлат томонидан молиялаштиришга қизиқиш ортиб бормоқда, бу эса ўз навбатида, инвестицион лойиҳалар ишончлилигини оширади. Буларнинг барчаси инновацияларга инвестицион ресурсларни йўналтириш механизмининг қўшимча манбаи сифатида ДХШдан фойдаланиш заруриятини келтириб чиқаради.

Давлат ва хусусий-шерикчиликнинг ўзаро ҳамкорлиги шакли сифатида ДХШнинг юқори самарадорлиги дунёнинг кўплаб мамлакатлари тажрибасида исботланган. Масалан, Финляндияда марказий йўллар ДХШ асосида қурилган бўлса, Португалияда аэропортлар ва минтақавий йўллар реконструкция қилинган, Францияда сув таъминоти тармоқлари янгиланиб, тезюрар йўллар қурилган. Германия, Греция, Италия ва Нидерландияда инвестиция лойиҳалари ДХШ схемасидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган.<sup>4</sup> Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, давлат одатда ДХШни амалга оширишнинг чекланган миқдордаги соҳалари ва шакллариини белгилайди, бу эса давлат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни энг муҳим муаммоларни ҳал қилишга йўналтириш имконини беради. ДХШ механизми инфратузилма объектларини яратиш учун Европа мамлакатларида кўпроқ қўлланилган.

Инвестицион ресурсларни инновацион ривожлантириш механизмининг иқтисодий механизм таркибида интеллектуал капиталнинг ўрни беқиёс. Хизмат кўрсатиш корхоналарида инновацион лойиҳаларни жорий қилиш, одатда, корхонада мавжуд интеллектуал активларга ва билимларга боғлиқ. Ушбу интеллектуал активларини кўпайтириш мақсадида бўлган ҳар қандай корхона ходимлар малакасини ошириши ва кўп ресурсларни сарфлаши зарур. Ҳозирги замон иқтисодиётининг талаби: барча соҳа корхоналари, жумладан хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари инновацион лойиҳаларни

<sup>1</sup> Тультаев Т.А., Тультаева И.В. Роль инновации в обеспечении маркетинговой деятельности на предприятиях сферы услуг // Экономика, статистика и информатика. Вестник УМО. – 2013. – №5. – С. 108.

<sup>2</sup> Марказий банк бошқарувининг 2024 йил 25 январдаги йиғилишида асосий ставка йиллик 14 фоиз даражасида ўзгаришсиз қолдирилди // [https://cbu.uz/oz/press\\_center/releases/1575081/](https://cbu.uz/oz/press_center/releases/1575081/)

<sup>3</sup> Процентная ставка – список стран // <https://ru.tradingeconomics.com/country-list/interest-rate>

<sup>4</sup> Грищенко С. Подготовка и реализация проектов публично-частного партнерства: практ. пособие. Для органов местной власти и бизнеса / С.Грищенко, О.Москаленко. М. – К.: ФОП, 2011. – С. 32.

қабул қилишлари шарт. Ушбу инновацион лойиҳаларни қабул қилиш ва амалиётга татбиқ этишнинг самарали йўли интеллектуал капитал ёрдамида амалга оширилади.

Охирги йилларда иқтисодий ҳаётда венчурли молиялаштиришга катта эътибор берилмоқда. Венчурли капиталнинг энг муҳим хусусиятларига эътибор қаратадиган бўлсак, инновациялар ва илмий-техникавий фаолият билан доимий алоқадорлигидир. Венчурли капитал нафақат инновацион маҳсулотлар билан, балки технология, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ижтимоий соҳадаги инновациялар билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

Венчурли капитали хизмат кўрсатиш корхоналарини хавф-хатардан озод қилиб, ушбу хатарларни инновацион фондлар орқали ўз зиммасига олади. Айнан шунинг учун ҳам венчурли капитал инновацион корхонага ўзининг ташқи назоратининг маҳсус тизимини, кучли ахборот таъминотини, бозор конъюнктурасини, ташкилий ва бошқарув тажрибаси билан бойитишни, шу жумладан умумий хавфни камайтиришга ҳаракат қилади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион ресурсларни инновацияларга йўналтиришда иқтисодий механизмнинг лизинг элементи ҳам бошқа элементлар сингари муҳим роль ўйнайди. Лизинг соҳага бир вақтнинг ўзида харажатларни камайтирган ҳолда лозим бўлган инновацион технологияларни керакли миқдорда сотиб олиш имконини беради. Бу, ўз навбатида, хизмат кўрсатиш соҳасига янги хизмат турлари ривожланишини янги иш ўринлари пайдо бўлишини аниқлатади.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, иқтисодий, шу жумладан хизмат кўрсатиш соҳасини тараққиётнинг инновацион моделига ўтказиш инвестицион ресурсларни инновацияларга йўналтириш механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади. Айнан шу механизмлар орқали хизмат кўрсатиш соҳасига инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этишни рағбатлантириш мумкин. Инновациялар эса, ўз навбатида, соҳанинг барча корхоналарида, фаолият самарадорлигини оширишга имконият яратади. Шу билан биргаликда, истеъмолчилар дидларининг ўзгариши ва индивидуал хизмат турларига талабнинг кучайиши хизмат кўрсатиш корхоналарида янги ғояларни ва инновацион лойиҳаларни амалиётга жорий қилишларига олиб келади.

Биз таклиф этаётган инновацияларга инвестицион йўналтириш механизми, бошқа иқтисодчи олимлар ва тадқиқотчилар томонидан ишлаб чиқилган механизмлардан фарқи шундан иборатки, бунда биринчидан, иқтисодий механизмни ташкил этувчи элементларнинг сон жиҳатидан кўплиги ва улар замонавий иқтисодийнинг талабларидан келиб чиққанлиги бўлса, иккинчидан, ушбу элементлар мавжуд механизмнинг камчиликларини нейтраллаштириш орқали унинг самарадорлигини ошириш имконини яратишга хизмат қиладиган элементлардир.

Бизнингча, хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион ресурсларни инновацияларга йўналтириш механизмнинг элементлари сифатида инвестицион капитал, эҳтиёж, бозор, давлат-хусусий шерикчилиги, кредитлаш, интеллектуал капитал, венчурли капитал, лизингни кўрсатиш мумкин. Булар орасида муҳим таркибий элементлар сифатида эса давлат-хусусий шерикчилиги, венчурли капиталнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим, деб ҳисоблаймиз.

<p><b>З.Мухаммедова</b></p> <p><b>Механизмы направления инвестиционных ресурсов на инновации в сфере услуг</b></p> <p><b>Аннотация:</b> в статье рассмотрена необходимость перевода экономики на инновационную модель развития и на этой основе создания системы стимулирования внедрения инновационных идей, разработок и технологий в сферу услуг.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> сфера услуг, инвестиционные ресурсы, инновации, механизм, экономический механизм, экономический элемент.</p>	<p><b>Z.Mukhammedova</b></p> <p><b>Mechanisms for directing investment resources to innovations in the service sector</b></p> <p><b>Abstract.</b> The article examines the need to transfer the economy to an innovative development model and, on this basis, to create a system of incentives for the introduction of innovative ideas, developments and technologies in the service sector.</p> <p><b>Keywords:</b> service sector, investment resources, innovation, mechanism, economic mechanism, economic element.</p>
---	---

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

20.11.2024 йилда теришга берилди. 11.12.2024 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт  
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0134В/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.